Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 10 (8750). ● 15 январь, 1986 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съезди

ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ

● ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА ЮКСАК СУРЪАТ, ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ БЎЛИШИГА ЭРИШАЙЛИК. ● ОБЛАСТЬ XXII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ. ● 15 ФЕВРАЛЬ—БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ.

ШАНБАЛИК ОЛДИДАН

МЕҲНАТ БАЙРАМИДА «АЪЛО» ИШЛАЙМИЗ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари шанбалик куни алоқачилар, геологлар, темирйўлчилар, қурувчиларга ҳар хил типда кўп километр кабель юборадилар. Улар бу маҳсулотни бепул тайёрлаб берадилар.

Митингда КПСС XXVII съездига бағишланган меҳнат байрамида фақат «аъло» баҳода ишлашга қарор қилинди. Илғор ишчилардан В. Артиманов, А. Яшчук, Ф. Халлиев шанбаликда кунлик нормани ошириб бажариш мажбуриятини олдилар. Кўпгина бригадалар шанбалик куни тежалган ресурслар ҳисобидан ишлаймиз, деб шанбалик штабига маълум қилди.

БОР КУЧ-ҚУВВАТ БИЛАН

«Узбексельмаш» бирлашмасининг Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалик фондига қўшадиган ҳиссаси 25 та сеялка, ўнлаб пахта подборщиклари, гербицид модда сепадиган мосламалар, 20 минг сўмлик запас қисмлар ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришдан иборат бўлади.

Цехларда бўлиб ўтган митингларда ишчилар Р. Одилов, Н. Алейник, Л. Данилова, М. Қодиров ва бошқалар ўртоқларини Коммунистик шанбаликда бор кучқувват билан ишлашга, партия съездига бағишланган зарбдор вахтани муносиб ўтказишга даъват қилдилар.

(ЎзТАГ).

БИР КУНДА ИККИ НОРМА

Жонажон партиямизнинг XXVII съезди шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбалигида колхозимизнинг барча аъзолари актив иштирок этишга сўз бердилар. Колхоз правлениеси ва партия комитетининг қўшма мажлисида шанбалик куни бажариладиган ишларни аниқ равшан белгилаб олдик.

Бу йил коллективимиз 920 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 30 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олиш учун ҳозирданоқ қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шанбалик куни ҳамма колхозчилар дала бошида бўладилар. Улар карта четларини текислайдилар, ариқ ва зовурларни тозалайдилар, техника воситаларини ремонтдан чиқарадилар. Бу ишларда одатдагидек колхозимиз коммунистлари бош-қош бўлишади.

Колхоз партия ташкилоти ҳисобида 62 коммунист бор. Уларнинг ҳар бири ўз зиммасига маълум мажбуриятлар қабул қилмоқда. КПСС XXVI съезди делегати Инобат Ҳожибекова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Узоқ Саидов, колхоз партия комитети аъзоси Пўлат Хаитов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг аъзолари бир кунда икки кунлик топшириқни бажаришга сўз бердилар. Шанбалик қатнашчиларининг унумли ва сифатли меҳнат қилишлари учун ҳозирданоқ зарур шароитлар яратилмоқда.

А. БУРОНОВ,
Бўка районидаги «Ленинобод» колхози партия комитетининг секретари.

ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН

ПАХТАЧИЛИК УЧУН МАШИНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА БИРЛАШМА — «ТЕХНОЛОГ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1986 ИЙЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Сифат жиҳатидан янги маҳсулот — ишлов берувчи марказлар, эпчил қайта созланадиган системалар, автоматлашган линиялар, робототехникаси комплекслари тайёрлашга ўтилади.

Ишлаб чиқиш жараёнида 300 тонна металл прокати ва пластмасса деталларини жорий қилиш ҳисобига 500 тонна металл прокати иқтисод қилинади.

Тугалланган ечимларни жорий қилишдан 10 миллион 150 минг сўмлик иқтисодий самара олинади.

«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи партиянинг съездолди ҳужжатларини қизғин маъқуллаб, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида ва КПСС Марказий Комитетида 1985 йилнинг июнида бўлиб ўтган кенгашда ишлаб чиқилган ва экономикани ривожланишнинг интенсив йўлига ўтказишни жадаллаштиришга қаратилган йўлни яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди. Бирлашма коллективи илмий ишлаб чиқариш ва хўжалик комплексининг барча участкалари структурасини ва уларни бошқаришни такомиллаштириб, 1986 йилда зиммасига қуйидаги мажбуриятларни қабул қилди:

Пахтачилик ва тармоқ учун машиналар тайёрловчи корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси оширилади. Изланишлар шу вақтгача тайёрланган агрегат станоклар ва кам механизациялашган асбоб-ускуналар ўрнига сифат жиҳатидан янги маҳсулотлар — ишлов берувчи марказлар, эпчил қайта созланадиган модуллар, эпчил қайта созланадиган системалар, автоматлашган линиялар, робот техникаси комплекслари ишлаб чиқаришга қаратилади.

Тармоқ корхоналари учун қуйидагилар ишлаб чиқилади ва уларда жорий этилади:

— **«Тошкент трактор заводи» бирлашмасида** совуқ штамповка қиладиган роботлаштирилган технологик комплекс, лентадан деталларни штамповка қилувчи ва «олдинги брус» деталига ишлов берувчи иккита эпчил қайта созланадиган автоматлашган линиялар;

— **«Ташсельмаш» заводида** 2 та совуқ ҳолда штамповка қиладиган роботлаштирилган технологик комплекс, қалин тунука прокатини бичишни механизациялаш воситалари комплекси, ўралган пўлат тунукасини бичиш учун қайта созланадиган автоматлашган линия, қалинлиги 3 миллиметргача бўлган рулон пўлат тунукасини ёнлама кесадиган автоматлашган линия, ўқларга ишлов беришнинг эпчил қайта созланадиган системасининг техник лойиҳаси тайёрланади, чўтка лентасини ишлаб чиқариш учун махсус автоматлаштирилган асбоб-ускуналар комплекси, бураб тортадиган элементларни навивка қилиш ва термик жиҳатдан қайта ишлаш учун иккита автоматлашган комплекс, стерженларга ишлов берадиган 4 та автомат жорий қилинади.

«Ташсельмаш» заводининг қуюв цехида ўн иккинчи беш йилликда меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш, қўйилмаларни қолиплаш ва ажратиб олиш жараёнларини тўла автоматлаштиришни таъминлайдиган 3 та автоматлашган линия яратилади ва ишга туширилади, шу жумладан, 1986 йилда шнекни қолиплайдиган биринчи автоматлашган линиянинг ҳисобдаги унумдорлигига етказилади, иккинчи автоматлашган қолиплаш линиясининг конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тугалланади;

— **«Ташхимсельмаш» заводида** кўп кескичли ярим автоматлар негизида ўқларга ишлов беришнинг кўп номенклатурали автоматлашган линияси;

— **«Моссельмаш» заводи** учун эпчил қайта созланадиган системаларга кирувчи 7 та ишлов бериш марказларини тайёрлаш тугалланади.

Ечимлар ҳисобига камида 300 тонна ва тармоқ заводларида янги пластмасса деталларини жорий этиш ҳисобига камида 500 тонна металл прокати тежаб қолинади.

Тугалланган ишларни жорий қилиш билан камида 10 миллион 150 минг сўмлик иқтисодий самара олиниши таъминланади, ўз ечимларини ва фан-техника тараққиёти ютуқларини тармоқ ҳамда республика корхоналарида жорий қилиш ҳисобига шартли камида 365 ходим бошқа ишларга ўтказилади. Аттестация қилишнинг биринчи босқичи натижалари бўйича камида 300 ишчи ўрнини рационализация қилиш тадбирлари амалга оширилади, улар прогрессив ва норматив талабларга мувофиқ даражага етказилади. СССР Давлат ихтиролар комитетига бўлажак ихтиролар ҳақида ками билан 56 та талабнома юборилади. Меҳнатни ташкил этиш ва пировард натижалар бўйича ҳақ тўлаш бригада формаси билан қамраб олинган ишчилар сони 75 процентгача етказилади.

Технологнинг автоматлашган иш жойидаги рақамли программ бошқариладиган токарлик станоклари учун бошқариладиган программаларни автоматик тайёрлаш системаси ва рақамли программ бошқариладиган станоклар учун программалар ишлаб чиқиш ўзлаштирилади. Ечимларни тадқиқ қилишдан то ишлаб чиқаришга жорий этишгача бўлган циклни қисқартириш мақсадларида бу ечимларнинг ўз тажриба ва эксперименталь ишлаб чиқарилишида металларда тайёрланиши таъминланади.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва товар маҳсулотини реализация қилиш бўйича давлат плани 27 декабргача, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг белгиланган муддатларда, меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича план-топшириқларининг 1 процент ошириб бажарилиши, маҳсулот таннархининг пландагига нисбатан 0,5 процент камайтирилишига эришилади. Ишлаб чиқариш ишчилари сонини кўпайтирмаган ҳолда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши таъминланади, ками билан 40 та юксак унумли замонавий асбоб-ускуналар, шу жумладан 8 та робот техникаси комплекслари жорий этилади.

Энергия сарфини камайтириш технологияларини жорий этиш ва иқтисодий режимни кучайтириш ҳисобига пландагидан ташқари иқтисод фонди яратилади, икки кун тежаб қолинган моддий ва ёқилғи-энергетика ресурслари билан ишланади. «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари кадрлар ҳаракати тўғрисидаги ахборотни автоматлашган ҳисобга олиш системасига ўтказилади. («Кадрлар» кичик системаси), «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимларининг уларнинг ишга келиши ва ундан кетиши вақтини автоматик равишда қайд қиладиган мосламали иш вақтида қандай ишлаганлигини автоматлашган назорат қилиш системаси жорий этилади, пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилувчи автоматлашган система ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

Меҳнат коллективини социал тараққий эттириш комплекс программасини амалга ошира бориб, бирлашманинг камида 1 минг 250 нафар ходими ўқувнинг ва малака оширишнинг барча турлари билан қамраб олинади, бирлашманинг камида 2 минг нафар ходими ва уларнинг оилалари аъзолари соғломлаштирилади. Кадрлар қўнимсизлигининг беш процент камайтирилиши, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳисобига иш вақти йўқотилишини 15—20 процент қисқартириш таъминланади, бўлинмалар коллективларининг муқим бўлишини кучайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси амалга оширилади. Касалланиш 3 процент камайтирилади. Бирлашмада меҳнаткашларга ками билан 9 турдаги маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади.

Социалистик мажбуриятлар «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия-хўжалик активи йиғилишида муҳокама этилди ва яқдиллик билан қабул қилинди.

● **СИФАТ жиҳатидан янги маҳсулот — ишлов берувчи марказлар, эпчил қайта созланадиган системалар, автоматлашган линиялар, робот техникаси комплекслари тайёрлашга ўтилади.**

● **ИШЛАБ чиқиш жараёнида 300 тонна металл прокати ва пластмасса деталларини жорий қилиш ҳисобига 500 тонна металл прокати иқтисод қилинади.**

● **ТУГАЛЛАНГАН ечимларни жорий қилишдан 10 миллион 150 минг сўмлик иқтисодий самара олинади.**

ХЎЖАЛИК РИВОЖИ— БИЗЛАРГА БОҒЛИҚ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТИ МИНБАРИ

ЎТГАН беш йилликда пилла етиштириш бўйича яхши натижаларга эришдик. Биргина 1985 йилда жами боқилган 465 қути ипак қуртидан планда белгиланган 27 тонна 700 килограмм ўрнига 31 тонна пилла олинди. Бироқ, хўжалигимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа кўпгина турлари бўйича давлат планлари бажарилмай қолди.

Фикримча, ҳар ким ўзига ишониб топширилган участкада астойдил жон қуйдириб меҳнат қилса, масъулиятни ҳис этса, ички резерв ва имкониятлардан омилкорлик билан унумли фойдалансатина яхши натижаларга эришиш мумкин. Пилла етиштиришда биз ишимизни ана шу тарзда ташкил этаяпмиз. Биринчи навбатда, ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Ҳозир 80 гектарлик тутзоримиз бор. Кузда ва эрта баҳорда қатор ораларни ҳайдаб, ўғитга тўйдирдик. Дарахтларни яхшилаб яхоб сувига қондирдик. Булардан ташқари ариқ ва зовурлар, йўл чеккаларига ҳам тут кўчатларини ўтказганмиз. Айни кунларда бу тадбирни давом эттирмоқдамиз. Шу кунгача жами ўтказилиш лозим бўлган 50 минг туп кўчатнинг 22 мингдан зиёдини экиб қўйдик.

Колхозда ҳар йили 5 та пиллачилик бригадаси тузилади. Ипак қурти асосан 330 хонадонда боқилади. Биз февраль ойиданоқ ҳамма уйларни бирма-бир айланиб, уларга мавсум учун энг зарур нарсаларни етказиб бериш тадбирларини кўрамиз. Хоналар сўрилар ўрнатишга мосланади, печкалар текширилади.

Ипак қурти парвариши жараёнида ҳам деярли ҳар куни бригада бошлиқлари, мутахассислар хонадонларда бўлиб, айрим юз бераётган камчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўришади. Пиллакорларга агротехника қоидаларига амал қилиш бўйича қимматли маслаҳатлар берилади. Уларга амалий ёрдам кўрсатилади.

Айниқса, пиллакорларимиз ўртасида ташкил этилаётган социалистик мусобақа ўзининг самарали натижаларини бераяпти. Мусобақа шартларига кўра етиштирилаётган маҳсулотнинг салмоғи ва сифати алоҳида ҳисобга олинади. 1985 йил ҳар қути уруғдан 75 килограммдан пилла топшириш ташаббуси билан чиққан В. Қаюмова ҳаммага ўрнак кўрсатиб меҳнат қилди. У

бошлиқ бригада коллективида юз қути уруғ боқилиб, уларнинг ҳар биридан ўртача 80 килограммдан сифатли хомашё олинди. Н. Мирҳосилова, К. Самигова, Ҳ. Чопқиева ва В. Қулматоваларнинг оила аъзолари ҳам ўтган йили 2—3 қутидан уруғни парваришлаб, юқори натижаларга эришдилар. Ана шундай илғорларнинг ғайратлари туфайли колхозда пилла етиштириш бўйича беш йиллик мажбурият ортиғи билан бажарилди.

Хўжаликнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши, колхозчиларнинг моддий манфаатдорликларини янада ошириш учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлаши, маҳсулот етиштиришнинг барча турлари бўйича белгиланган планларни ўз муддатида уддалаши керак. Бу соҳада, айниқса, коммунистлар зиммасига жиддий масъулият юкланади. Ҳар бир коммунист КПСС Устави лойиҳасида белгиланганидек, меҳнатга ҳалол, ижодий муносабат, юксак уюшқоқлик ва интизомлилик намунасини кўрсатиши лозим.

Хўжалигимизда ўтган йили давлатга картошка, сабзавот, мева, узум ва сут топшириш планлари бажарилмай қолди. Умуман, беш йиллик бўйича ҳам хўжалик ҳамма турлар бўйича планларни тўлиқ бажара олмади. Хўш, бунинг сабаблари нимада?

Энг аввало, механизациядан унумли фойдаланиш учун етарли шароитлар яратилмаган деб ўйлайман. Ҳар йили экин майдонлари турли маҳсулотлар етиштириш учун бўлакларга ажратиб ташланади. Демак, механизаторнинг иши оғирлашади. Ахир, карталар йириклаштирилса, техникадан унумли фойдаланиш, ишчи кучи, ёнилғи-мойлаш материалларидан тежамли фойдаланиш учун имкониятлар очилади-ку!

Илғор хўжаликларда эртаки экинлар учун ер майдонлари кузданоқ ҳозирлаб қўйилади. Ер сифатли шудгорланиб, маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйдирилади, эгатлар олинади. Бу эса эрта баҳорнинг илиқ-иссиқ кунларидан фойдаланиб, эртаки сабзавот ва картошка уруғларини ерга барвақт қадаб олиш имконини туғдиради. Афсуски, хўжалигимиздаги бригада бошлиқлари, мутахассислар ва раҳбарлар бу ишга етарлича эътибор беришмаяпти. Натижада, эртаки маҳсулотлар етиштириш кечиктириб юборилмоқда.

Булардан ташқари айрим бригада бошлиқларининг ўз ишларига совуққонлик билан қараётганликлари ҳам ишимизга ҳалал бермоқда. Мана, бир қиёслаб кўринг. Р. Нурмуҳамедов, Ш. Маҳкамов, А. Содиқов бошлиқ бригадаларнинг коллективларида ўтган йили ҳамма турлар бўйича планлар бажарилди. Бироқ, улар билан бир хил шароитда меҳнат қилган А. Исмоилхўжаев, И. Пискатбоев ва Ю. Толипов етакчилик қилган бригада коллективларида эса йиллик планлар 40—50 процентда қолиб кетди.

Ёки чорвачиликдаги аҳволни таҳлил қилиб кўрайлик: колхозда жами 830 бош қорамол бор. Шундан 330 бошн соғин сигирдир. М. Мирзаева, А. Исахўжаев ва Қ. Ҳайитова сингари илғор соғувчилар ўзларининг қарамоғларидаги сигирларнинг ҳар биридан кунига 9—10 килограммдан сут соғишяпти. Улар ўтган йили ҳар бир сигирдан 3,5 минг килограммга етказиб сут соғиб олишди. Лекин, илғорлар тажрибаси ўрганилиб, оммалаштирилмаяпти. Область партия конференциясида бу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилишини истар эдим.

Хўжалигимизда 1985 йил 400 минг сўм соф даромад олиниши планлаштирилган эди. Ҳозир эса атиги 205 минг сўм даромад мўлжалланяпти. Бунинг асосий сабаби ҳам юқорида санаб ўтилганидек, ҳамманинг бир жону, бир тан бўлиб, ягона мақсад йўлида астойдил меҳнат қилмаётганида, деб ўйлайман.

Яқинда бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида колхоз коммунистлари хўжаликда юз бераётган камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар. Янги йилда янгичасига ишлашга аҳд қилдик. Қолоқ бригадалар ўз ишига астойдил меҳр қўйган кадрлар билан мустаҳкамланади, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириб, колхозчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини янада ошириш, бригада пудрати усулидан самарали фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Экин майдонларини маҳаллий ва минерал ўғитлар ҳисобига ҳосилдорлигини ошириш, яхлит карталар ташкил этиб, ердан, техникадан унумли фойдаланишга киришилди.

Н. КАРИМОВА,
Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз пиллачилик агрономи.

К. МАРКС ВА Ф. ЭНГЕЛЬСНИНГ ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИ

К. Маркс ва Ф. Энгельс танланган асарларининг иккинчи томи босилиб чиқди. Тўққиз томлик нашрни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти тайёрламоқда ва бу нашрга илмий коммунизм асосчиларининг энг муҳим асарларини киритмоқда.

Китобга 1846—1852 йилларда ёзилган асарлар киритилган бўлиб, у К. Маркснинг «Фалсафа қашшоқлиги» асари билан бошланади. Илмий коммунизмнинг биринчи программ ҳужжати— «Коммунистик партия манифести» китобда асосий ўрин тутади.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XXII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Область XXII партия конференцияси 1986 йил 17—18 январда Узбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг мажлислар залида бўлади (Ш. Рашидов проспекти, 9.).

Конференция 1986 йил 17 январь соат 10.00 да очилади.

Конференция делегатлари ва таклиф этилганлар область партия комитети мажлислар зали фойесида 15 январь соат 11.00 дан 18.00 гача, 16 январь соат 14.00 дан 18.00 гача рўйхатга олинадилар.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бенуқсон меҳнати, корхонани ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги ва жамоат ҳаётида актив қатнашганлиги учун: Қалмоққир руда конининг директори Альберт Николаевич **Матицин**, Олтинтопган руда кони бошқармасининг директори Юрий Иванович **Прилепский** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»**; Олтинтопган руда кони бошқармасининг электровоз машинисти Миржума **Азизов**, Қалмоққир руда конининг экскаватор машинисти Владимир Николаевич **Ильинский**, СССР Рангли металлургия министрлигининг В. И. Ленин номидаги Олмалиқ конметаллургия комбинати қўрғошин-руҳ бойитиш фабрикасининг бошлиғи Галик Иванович **Дауров** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»** фахрий унвонларини берди.

Комбинат ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ОЛМАЛИҚ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Олмалиқ шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

М. М. Мирқосимов Ўзбекистон Компартияси Ҳоразм область комитетининг биринчи секретари этиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни Олмалиқ шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси ва биринчи секретари вазифаларидан озод қилди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири бўлиб ишлаган А. Абдувосиқовни Олмалиқ шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси ва биринчи секретари этиб сайлади.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети инспектори В. Ю. Зорин қатнашдилар.

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТЕЖАЙЛИК

МУСОБАҚА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Область шаҳар ва районлари аҳолиси ўртасида электр қуввати сарфини 5 процент камайтириш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1985 йил декабрь ойи якуни ҳақида

МАЪЛУМОТ

(1984 йилнинг декабрь ойидагига нисбатан процент ҳисобида. (—)—тежалгани, (+)—ортиқча сарфлангани).

шаҳарлар:
Янгийўл — 7,3
Янгиобод — 6,5
Оҳангарон — 5,4
Нарманов — 2,1
Бекобод + 3,1
Ангрен + 6,3
Чирчиқ + 15,6
Олмалиқ + 20,4
районлар:
Тошкент — 13,9
Оҳангарон — 9,2
Коммунистик — 8,7
Бўстонлиқ — 6,7
Ўрта Чирчиқ — 4,0
Оққўрғон — 1,9
Калинин + 0,2
Пискент + 4,4
Чиноз + 7,0
Ғалаба + 7,2
Бекобод + 8,7
Бўка + 11,0
Паркент + 12,2
Оржоникидзе + 16,8
Янгийўл + 17,5

Маълумотдан кўриниб турибдики, бир қатор шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, электр тармоқлари бошқармалари «Узгосэнергонадзор» ташкилоти ходимларининг хонадонларда электр қуввати сарфини 5 процент камайтириш юзасидан бошланган ватанпарварлик ҳаракатини аҳоли ўртасида кенг ёйишга жиддий эътибор билан қараб, ташвиқот ишларини кучайтирмоқдалар, мусобақани тўғри йўлга қўйиб, унинг таъсирчан ва самарали бўлишини таъминламоқдалар. Жумладан, ўтган йилнинг ноябрь ойи якунларига кўра Янгиобод ва Оҳангарон шаҳарлари, Тошкент ва Оққўрғон районлари мусобақа илғорлари қаторида тилга олинган эди. Бу шаҳар ва районларнинг аҳолиси электр қувватини тежаб сарфлашнинг аҳамиятини тўғри тушуниб, бу соҳада ташкил этилган мусобақага жиддий муносабатда бўлмоқда. Шу боисдан улар икки ойдан бери мусобақада пешқадамликни қўлдан беришмаяпти.

Аммо, афсуски, айрим районларда социалистик мусобақага ҳар куни бирдек жиддий эътибор берилмаяпти. Оқибатда бугун мусобақа пешқадами бўлганлар эртаси куни қолоқлар қаторига тушиб қолмоқдалар. Масалан, Янгийўл ва Бўка районлари ноябрь ойи якуни бўйича бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилган эди. Бироқ, бу районларда декабрь ойи мусобақаси ўз ҳолига ташлаб қўйилди, аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилмади. Натижада мусобақада охирги ўринларга тушиб қолдилар. Бу ҳар икки район учун жиддий сабоқ бўлиши керак.

Айрим шаҳар ва районларда «Узгосэнергонадзор» ходимларининг ташаббуси ҳанузгача ўрганилмаган, аҳоли ўртасида ўзаро мусобақа йўлга қўйилмаган кўринади. Акс ҳолда Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари, Оржоникидзе, Паркент, Бекобод, Ғалаба ва Чиноз районларининг қолоқлар сафидан чиқа олмаётганликларини қандай изоҳлаш мумкин? Бу районларнинг айримлари ноябрь ойи якуни бўйича жиддий танқид қилинган эди. Аммо, бундан тегишли хулоса чиқариб олинмади.

Жадвалнинг охиридан ўрин эгаллаб турган шаҳар ва районларда электр энергиясини тежашдек иқтисодий аҳамиятга эга бўлган жиддий масалага тўғри ёндошилиши, бу ерда ҳам аҳоли ўртасида область мусобақасини кенг қулоч ёйдириш зарур.

XXVII СЪЕЗДОЛДИ МИНБАРИ

ПАРТИЯНИНГ СЪЕЗДОЛДИ ҲУЖЖАТЛАРИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

СОҲИБКОРЛАР. ДИЛИДАГИ ЎЙЛАР

Коллективимизда КПСС аъзолари Эркин Бектошев, Файзинисо Соипова, Муслима Фарикларнинг ишларини ҳурмат билан тилга олишади. Улар сидқидилдан меҳнат қилиб, мунтазам равишда белгиланган план-топшириқларини ошириб бажарадилар. Бу ишлаб чиқариш илғорлари съезд очиладигач кунгача квартал планларини бажаришга қарор қилганлар.

Биз партиямиз олий анжуманига тайёргарлик кўриш даврида коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги активликларини, топширилган иш учун масъулиятларини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бунга партия ташкилотимизда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида, партия группаларида съездолди ҳужжатларини муҳокама қилишда айниқса катта эътибор берилди. Коммунистлар жумладан, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави лойиҳасида КПСС аъзоларининг партия ва давлат олдидаги масъулиятини кучайтириш кўзда тутилганлигини қизғин маъқуллаётирлар.

Бошланғич партия ташкилотимиз меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчиларга, ишда камчиликларга йўл қўяётганларга муросасиз бўлаяпти. Кейинги пайтда меҳнат интизомини бузишга йўл қўйганликлари учун коммунистлар С. Рустамов ва А. Оқиловлар, ичкиликбозлик қилганлиги учун КПСС аъзоси М. Меметов қаттиқ партиявий жавобгарликка тортилдилар.

Ўзаро талабчанлик, партиявий принципиаллик ишлаб чиқаришда дуруст натижаларга эришиш имконини бермоқда. Совхоз-заводимиз давлатга асосий турдаги маҳсулот — узум топшириш бўйича ўн биринчи беш йиллик планини ошириб бажарди. Эл дастурхонига эввалги беш йилликдагига нисбатан 20 процентдан зиёд узум тортиқ қилинди. Чорвадорларимиз ҳам беш йиллик планни муваффақиятли адо этдилар.

Совхоз-завод маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қиладиган бўлиб қолдилар. Кейинги вақтнинг ўзида хўжаликдаги маиший хизмат кўрсатиш уйи кенгайтирилди. 3 та кўча хонадонларига водопровод ўтказилди. Иккита икки квартирали уй фойдаланишга топширилди. Ишчиларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш учун бошқа чоралар ҳам кўрилмоқда. Шу туфайли улар янада самаралироқ меҳнат қилмоқдалар.

Биз партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар асосида ишлаб чиқариш структурасини ўзгартираяпмиз. Қисқа муддат ичида заводимизда узумни қайта ишлашнинг янги технологияси ўзлаштирилди. Натижада 550 тоннадан кўпроқ узум шарбати тайёрланди. Айни пайтда бошқа республикаларга хўраки узум етказиб беришни икки бараварга кўпайтирдик. Областдаги савдо шахобчаларига ҳам узум жўнатиш икки ҳисса ортди.

КОММУНИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Аммо ҳали ишимизда жиддий нуқсон ва камчиликлар бор. Ўтган беш йилликнинг уч йилида узум етиштириш планлари бажарилмай қолди. Бунинг сабаблари кўп. Энг асосийси эса узумни парвариш қилиш ва ҳосилини йиғиштириб олишда агротехника тадбирларига риоя этилмаётганлигидир. Ўрта бўғин кадрларининг масъулиятсизлиги оқибатида токзорлар қатор ораларига ишлов бериш, суғориш, зараркунандаларга қарши кураш ўз вақтида ўтказилмади.

Аммо коллектив ўз кучи билан ҳал эта олмайдиган муаммолар ҳам бор. Маълумки, ҳозир мукаммал механизация воситаларисиз мўл ҳосил етиштириш амри маҳол. Совхозимизда эса бундай техника етишмайди. Бор машина-механизмларни эҳтиёт қисмлар йўқлиги учун тўлиқ ишлата олмаяпмиз. Бу ҳақда биз кўп марта район ташкилотларига мурожаат қилдик. Бироқ соҳибкорларимизга амалий ёрдам кўрсатилмаяпти.

Худди шунингдек хўраки узум етиштириш кўпайтирилиши муносабати билан уларни савдо тармоқларига етказиб бериш учун идишлар етишмаяпти. Бунинг натижасида анча меҳнат сарф қилиб етиштирилган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлаяпти.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида Озиқ овқат программасини амалга ошириш учун хўраки узум етиштиришни кўпайтириш ҳам кўзда тутилган. Бунга жавобан коллективимиз ўн иккинчи беш йилликнинг охирига бориб, узум етиштиришни 2500 тоннага етказишни мўлжаллаяпти. Шу мақсадда 100 гектардаги токзорлар реконструкция қилинади. Бу майдонга асосан хўраки узум навлари экилади. Соҳибкорларимиз фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда узум ҳосилдорлигини ҳар гектар ҳисобига 100 центнерга етказишни режалаяптилар.

Бу марраларни эгаллаш учун партия ташкилотининг жанговарлиги, коммунистларнинг авангардлигини ошириб борамиз. Жумладан ҳар бир КПСС аъзосининг Уставда белгиланган бурчларини қандай бажараётганлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглашни йўлга қўямиз. Таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави лойиҳасида ҳам шу масала ўз аксини топса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунинг учун Устав лойиҳаси «Бошланғич партия ташкилотлари» бўлимидаги 58-параграф «г» пунктини қуйидаги таҳрирда беришни таклиф этаман: **«Коммунистларнинг ишлаб чиқариш ва социал вазифаларни ҳал этишдаги авангардлик ролларини ошириш мақсадида уларнинг Уставда белгиланган бурчларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ҳисоботлари мунтазам тинглаб борилади».**

Л. РОМАНЬКОВА,
Пискент районидаги Вахрушев номли совхоз-завод партия ташкилотининг секретари.

ТАКЛИФЛАР...

Коммунистик партия ва Совет давлатимиз табиат бойликларини кўпайтириш, атроф-муҳит муҳофазасини яхшилаш масалаларига жуда катта эътибор беряптилар. Бу КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, лойиҳа иккинчи қисмининг учинчи бўлимида «Партия табиатдан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириши, аҳолини экологик тарбиялашни кенг авж олдиришни зарур деб ҳисоблайди» дейилади.

Атроф-муҳит муҳофазаси учун ташкилот ва муассасаларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида шу жумладан кейин **«Министрликлар, идоралар, корхона, совхоз, колхозлар раҳбарларининг табиатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мажбурий тадбирларнинг бажарилиши учун масъулияти оширилсин»** деган сўзларни қўшимча қилишни таклиф этаман.

Т. ТУРСУНОВ,
область табиатни муҳофаза қилиш жамияти раисининг ўринбосари.

КПСС Устави лойиҳасига киритиш таклиф этилаётган ўзгартишларда партияга кирувчиларга рекомендация бераётганларнинг масъулиятини ошириш кўзда тутилаётганлиги жуда тўғри. Айни пайтда мен лойиҳа 16-параграфини тўлдиришни таклиф этаман: «Агар кандидатлик стажини ўташ вақтида кандидат ўзини кўрсатмаган бўлса ва ўзининг шахсий ҳислатларига кўра унинг КПСС аъзолигига қабул қилиниши мумкин бўлмаса, партия ташкилоти уни партия аъзолигига қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради...» сўзларидан сўнг **«ва бу кандидатга рекомендация берган коммунистлар масъулияти тўғрисида тегишли хулоса чиқаради»** сўзларини қўшиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

В. ФАРКУЦА,
Нарманов шаҳридаги «Водремстроймаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари.

Фан - техника тараққиёти — ютуқлар омили

ОҲАНГАРОН ғалла маҳсулотлари комбинати республикамиз саноати ана шу тармоғининг етакчи корхоналаридан ҳисобланади. Илгари давлатга фақат зарар келтирган комбинат ўн биринчи беш йилликда тараққиёт сари катта одим ташлади. Натижада у рентабелли корхонага айланди. Коллектив ҳар йили давлатга кўплаб фойда келтирмоқда. Шунинг учун ҳам коллектив фаолияти республикадаги турдош корхоналар учун намуна қилиб кўрсатилмоқда. Бу ерда коллектив тажрибасини ўрганишга бағишланган қатор семинарлар бўлиб ўтди. Комбинат директори, область XXII партия конференциясининг делегати Ҳошимжон МУТАЛОВ мухбиримиз М. Мирҳамидов билан суҳбатда корхонанинг юксалиш омиллари ҳақидаги қатор саволларига жавоб берди.

РЕНТАБЕЛЛИК ОРТМОҚДА

— Комбинат коллективининг ўн биринчи беш йиллиқдаги фаолияти якунлари тўғрисида сўзлаб берсангиз?

— Ҳақиқатан ҳам ўн биринчи беш йиллик корхонамиз коллективи учун муваффақиятлар босқичи бўлди. Шу беш йиллик давомида ҳар соҳада катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Коллективимиз фаолиятининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари кескин равишда юксалди. Фикримнинг далили учун қатор мисоллар келтирмоқчиман.

Аввало шуни айтиш керакки, комбинатимиз ўнинчи беш йилликда ҳам давлатга зарар келтирарди. 1975 йилда 408 минг сўмлик зарар кўрдик. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилларида ҳам шундай қониқарсиз ишладик. Лекин унинг охирги йилида фойда олиш даражасига кўтарилдик. 1980 йилда олинган фойда 415 минг сўмликни ташкил этди.

Ўн биринчи беш йилликда эса бутунлай рентабел ишладик. 1984 йилга келиб олинган фойда миқдори 870 минг сўмликка етди. Ўтган йилги ишимиз натижалари ҳам яхши бўлди. Юзларча минг сўмлик фойда олишга муваффақ бўлдик.

— Ишлаб чиқаришнинг юксалиш омиллари тўғрисида тўхталиб ўтсангиз? Жумладан, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар нималардан иборат бўлди?

— Сўнгги йилларда фан-техника тараққиётини жаддаллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки социалистик ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ҳамда сифат кўрсаткичларини яхшилаш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Шунинг учун ҳам коллективимиз ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, прогрессив технология ва илғор иш усулларини жорий қилиш, замонавий асбоб-ускуналарни ишга тушириш, турдош корхоналардаги янгиликларни қўлланишга алоҳида аҳамият билан қараяпмиз.

Ўтган беш йиллик давомида шу йўлда қатор тадбирлар амалга оширилди. Эскириб қолган асбоб-ускуналар янгилари билан алмаштирилди, ишлаб чиқаришнинг барча бўлинмаларида реконструкция ишлари олиб борилди. Жумладан, биринчи ва иккинчи тегирмонларни капитал ремонт қилиш вақтида уларнинг қўпгина узеллари такомиллаштирилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши қатори сифати сезиларли даражада яхшиланди. Олий ва биринчи сортли ун ишлаб чиқариш анча кўпайди. Айни вақтда тегирмонларда меҳнат унумдорлиги ошди. Жумладан, у биринчи тегирмонда 2,1 процентни, иккинчи тегирмонда 16,5 процентни ташкил этди.

Комбинатимизда чорвачилик эҳтиёжлари учун аралаш озуқа ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунда ҳам янги техника ва прогрессив технология ҳал қилувчи роль ўйнаяпти. Ўн биринчи беш йиллик давомида бу бўлинмада қатор янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Бу аралаш озуқа тайёрловчи комплекснинг бир маромда ва самарали ишлашини таъминлади. Хом ашёдан фойдаланиш яхшиланди.

Комбинатимизда иккита элеватор бор. Уларни техник жиҳатдан қайта ускуналаш юзасидан анчагина ишлар қилинмоқда. Тара ремонт қиладиган устахонада ҳам қўл меҳнати сарфини камайтиришга олиб келган тадбирлар кўрилди. Унни қопсиз ташиш усулининг қўлланилиши ҳар йили 60 минг сўмлик иқтисодий самара бермоқда.

— Комбинатда фонд самараси қандай бўлмоқда? Бу ҳозирги вақтда жуда долзарб масала бўлиб турипти. Чунки кўплаб корхоналарда фонд самараси камайиб кетмоқда.

— Асосий фонд самарасини муттасил ошириб бориш давримиз талабидир. Бу ҳар бир меҳнат коллективининг муқаддас бурчи ҳисобланади. Шунинг учун биз ҳам бу масала ҳақида жуда кўп қайғурмоқдамиз. Уни ошириш имконини берадиган барча резервлар ва имкониятлардан фойдаланиш йўлида тинмай изланиш олиб бормоқдамиз.

Ўн биринчи беш йилликда асосий фондларнинг ўсиш суръати 8,1 процентни ташкил этди. Меҳнатнинг фонд билан таъминланиши эса 11,7 процент ошди. Айни вақтда меҳнат унумдорлиги 42 процент ортди.

Асосий фондлар, айниқса, комбинатнинг аралаш озуқа ва ун тортиш цехларида тез суръатлар билан кенгайди. Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан алоқадор бўлган цехларда ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, комбинатимизда асосий фондларнинг абсолют ҳажмигина ортмасдан улар доим янгиланиб борилди. Бу фан-техника тараққиётининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Илғор техника ва прогрессив технологияни қўлланиш ишлаб чиқариш жараёнларининг механизация ва автоматлашиш даражасининг ортишига, цехларнинг кенгайиши ва қайта ускуналанишига ижобий таъсир кўрсатди, бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигини оширди. Шуни айтиш кифояки, асосий ишлаб чиқариш фондларининг самараси ҳар бир сўмлик ҳисобига 1980 йилда 1 сўм 32 тийин, ўтган йили эса 1 сўм 75 тийин атрофида бўлди. Шундай қилиб у 42,5 процент ошди. Бу рақамлар бизда асосий фондларнинг самараси анча илдам ортиб бораётганлигидан далолат беради.

— Комбинатда хўжалик механизмини такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив усулларини жорий қилиш юзасидан қандай ишлар қилинди?

— Ҳозирги вақтда бу масалаларни доим эътибор марказида сақлашга тўғри келяпти. Коллективимиз бу йўлда муайян натижаларга эришди. Уч йилдан бери норматив соф маҳсулот кўрсаткичи бўйича ишламоқдамиз. У ҳар бир коллективнинг пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссасини аниқ белгилаш имконини беради. Айни вақтда коллективнинг олган реал даромадини кўрсатади. Бу ишчи-хизматчиларни янги техника, прогрессив технологияни жорий қилиш, моддий энергия ва меҳнат ресурсларини тежашдан манфаатдорлигини оширади. Шу тартиб қўлланилаётгандан бери товар маҳсулоти ҳажми ортиши 8,9 процентни меҳнат унумдорлигининг ошиши 6,1 процентни, ўртача иш ҳақининг кўпайиши 4,2 процентни ташкил этди.

Комбинатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш яхшиланди, бригада пудрати усули асосида ишлаётган коллективлар сони кўпайди. Барча асосий ишлаб чиқариш цехлари пировард натижа бўйича меҳнат ҳақи тўлашга ўтди. Ҳозирги вақтда 23 бригада ёки барча ишчиларнинг 72 процентини бирлаштирган коллективлар меҳнат иштироки коэффициенти усулини қўллаб ишламоқда. Бунинг натижасида кадрлар қўнимсизлиги 11—12 процент камайди. Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системаси қатори нуқсонсиз меҳнат системаси ҳам жорий қилинди.

Социалистик мусобақани ташкил этиш муттасил такомиллаштириб борилди. Айниқса, «КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунликлар» шиори остида бошланган меҳнат беллашуви ҳар томонлама оммалашмоқда. Ёнг рақобат қилишга асосланган бу ватанпарварлик ҳаракати самараси кўнгилдагидек бўлмоқда. Комбинатимизда социалистик мусобақа асосий цехлар, ёрдамчи цехлар, корхона хизматлари ва бўлимлари бўйича алоҳида йўлга қўйилган. Бундан ташқари ҳар бир цехда «Энг яхши бригада», «Касби бўйича энг яхши ишчи» номини олиш учун мусобақа ҳам йўлга қўйилган. Мусобақа натижалари «Социалистик мусобақа экрани»да акс эттирилади.

— Ўн иккинчи беш йилликда комбинатни иқтисодий ва социал ривожлантириш давом этса керак?..

— Албатта. Беш йилликда корхона ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган катта ҳажмдаги ишларнинг амалга оширилиши планлаштирилган. Бунда техникани тараққий эттиришга катта ўрин берилади. Ишлаб чиқаришнинг асосий бўлинмалари — биринчи ва иккинчи тегирмонлар, аралаш озуқа комплекси, элеваторда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан кўпгина тадбирлар кўрилади.

Коллективимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бу беш йиллик топшириқларини ҳам барвақт уддалашга ахд қилди. Умуман, шу даврнинг ичида пландагидан ташқари 5,5 миллион сўмлик, шу жумладан, бу йил 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича топшириқ беш процент ортиғи билан бажарилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади. Барча капитал маблағ фақат комбинатни техник жиҳатдан қайта ускуналашга сарфланади. Бунинг натижасида 100 тадан ортиқ янги юксак унумли асбоб-ускуналар ва комплекслар жорий этилади. Қўл меҳнати сарфи 6,5 процент камаяди. Беш йиллик охирига келиб ишларнинг механизация даражаси 86 процентга етказилади.

Биз иқтисодий тежамкорлик режимига қатъий амал қиламиз. Шу ҳисобдан беш йилликда ками билан 4,5 минг тонна ғалла ва миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаймиз.

Коллективни социал ривожлантириш бўйича ишлар ҳам амалга оширилади. Жумладан, пай усулида қатнашиб, 500 квадрат метр уй-жой, 100 ўринли ётоқхона ва 140 ўринли болалар боғчаси қурамиз. «Бошоқ» дам олиш зонасида ёзги коттежлар қурилади. Ёрдамчи хўжаликда чорвачилик маҳсулоти етиштириш 1,5 баравар кўпаяди. Етиштирилган сут билан комбинат ишчилари тўла таъминланадиган бўлади.

Бу юксак меҳнат марраларини муваффақиятли эгаллаш учун мавжуд резервлар ва имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланишимиз керак. Фаолиятимиздаги камчиликлар жумладан технология ва меҳнат интизомини бузиш, прогулчилик тўла бартараф этилиши лозим. Айрим асбоб-ускуналар ва қудратли агрегатлардан фойдаланиш коэффициентини янада ошириш мумкин. Шунга ўхшаш бошқа нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Биз социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун шу камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор берамиз. Рентабелликни тўхтовсиз ошириб борамиз.

...МУЛОҲАЗАЛАР

Фрунзе районидаги меҳнат коллективларида 213 та бошланғич партия ташкилоти актив иш олиб боряпти. Улар сафига салкам 12 минг коммунист бирлашган.

Район коммунистлари КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави, СССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини очиқ партия йиғилишларида ишчанлик билан муҳокама қилиб, эътиборга лойиқ бир қатор таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Тошкент тўқимачилик комбинати 2-йигирув-тўқув фабрикаси коммунистларининг съездолди ҳужжатлари муҳокамасига бағишланган очиқ партия йиғилишида бутун коллектив аъзолари иштирок этди. Сўзга чиққан коммунистлардан саноат-техника бўлими бошлиғи А. Н. Матвеев асосан КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси ҳақида гапирди.

— Корхонамизда кадрлар қўнимсизлигидан катта зарар кўрилаётганлиги сир эмас, — деди у. — Бир корхонада узлуксиз узоқ муддат ишлаган ишчиларга маълум имтиёзлар бўлмаганлиги учун ҳам қўнимсизлик келиб чиқмоқда. Бу камчиликни тугатиш учун мен КПСС Программаси лойиҳаси 1-қисм 1-бўлимини **«Бир корхонада узлуксиз иш стажига эга бўлган ишчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг роли оширилсин»** деган жумла билан тўлдиришни таклиф этар эдим.

Фабрика катта мастери Н. Я. Ялишева эса ўз сўзида маҳсулот сифатини оширишга ҳар бир ишчи ва хизматчи даҳлдор эканлигини таъкидлади.

— Кўп ҳолларда брак иш учун конкрет шахслар жавоб бермайди, — деди у. — Бунинг учун айб бутун коллективга қўйилади. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишчилар масъулиятини ошириш мақсадида КПСС Программаси лойиҳасининг 2-қисм 3-бўлимини **«Брак маҳсулот ишлаб чиқаришда айбдор бўлганларга нисбатан конкрет чоралар кўрилсин»** деган жумла билан тўлдиришни таклиф этаман.

Очиқ партия йиғилишида сўзга чиққан 100-ўрта мактаб ўқитувчиси А. Е. Вуполова асосий эътиборни ёш авлод тарбиясига қаратди.

— Бу ҳақда КПСС Программаси лойиҳасида вазифалар қўйилган, — деди у. — Мен шу вазифаларни яна ҳам конкретлаштиришни истар эдим. Лойиҳанинг 2-қисм 4-бўлимига **«Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришини ривожлантириш, коммунистик ахлоқ принципларни бўйича яшаш ва ҳаракат қилишнинг ички эҳтиёжини қарор топтириш мақсадга мувофиқ»** деган янги жумла қўшилишини таклиф этаман.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти коммунистларининг очиқ партия йиғилиши ҳам ишчанлик руҳида ўтди. Институт юристи Г. Г. Соколов йиғилишда сўзга чиқиб таклиф этилаётган партия Устави лойиҳасига бир қатор қўшимчалар киритди.

— Лойиҳанинг 3-қисм 22-моддасидаги «Йиғилишлар, конференциялар, съездлар агар уларда партия ташкилоти аъзоларининг ёки сайланган делегатларнинг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир» деган жумладаги «ярмидан кўпроғи» сўзларини **«тўртдан уч қисми»** сўзлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқдир, — деди у. — Лойиҳанинг 5-қисм 49-моддасидаги жумлани эса қуйидаги таҳрирда берилишини истайман: **«Округ, шаҳар, район комитети секретарлари учун партия стажи камида беш йил, шундан камида икки йил бошланғич партия ташкилоти секретари лавозимида ишлаган бўлиши шарт».**

«Оргтехстрой» лойиҳалаш — технология институти группа бошлиғи А. Ашуровнинг таклифлари ҳам характерлидир. У партия Устави лойиҳасининг 1-қисм 1-моддасидаги биринчи жумлани **«Ғоявий жиҳатдан эътиқодли»** деган сўзлар билан тўлдириши, шу қисм 4-моддасининг «А» бандидаги «камида бир йил» сўзларини эса **«камида икки йил»** деган сўзлар билан ўзгартиришни таклиф этди.

Умуман, очиқ партия йиғилишларида 900 га яқин коммунист сўзга чиқди. Улар партиямизнинг съездолди ҳужжатларини тўла маъқуллаган ҳолда кўпгина таклиф ва қўшимчалар ҳам киритдилар. Муҳокама давомида коммунистларнинг активлиги намоён бўлди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ШАҲАР ВА РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Газетанинг 1985 йил 29 ноябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали матбуот обзорида айрим шаҳар ва район газета редакциялари фаолиятига доир фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Жумладан, босилаётган мақолалар кўпинча умумий, саёз тайёрланаётганлиги, баъзи долзарб мавзулар унутиб қўйилаётганлиги, газеталар саҳифаларида маҳаллий ҳаётни акс эттирувчи материалларга доимий кенг ўрин берилмаслиги танқид қилинган эди. Шунингдек, эълон қилинаётган фотосуратларнинг сифати ҳақида ҳам сўз юритилганди. Ана шу мақолага олинган жавоблар билан таништирамиз:

В. БЕРЕЗОВСКИЙ, Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари:

Мақола «Ангренская правда» газетаси редактори ва масъул ходимлари иштирокида кўриб чиқилиб, билдирилган танқидий фикрлар тўғри деб тан олинди. Шаҳар партия комитети редакция коллективига ишни ҳар томонлама яхшилаш, партия ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлаш, партия комиссияси билан ҳамкорликда кўпроқ танқидий материаллар ташкил этишни тавсия қилди.

Шу йилнинг биринчи кварталида шаҳар корхона ва ташкилотлари бўйлаб меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш юзасидан рейд-текширувлар ўтказиш белгилаб олинди. Газета редакциясидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида газета фаолиятини яхшилашнинг барча чораларини қўллаш талаб этилди.

* * *

Л. РЯСНОВА, Бўстонлиқ район партия комитетининг секретари:

— Мақола район партия комитетида редакция ижодий коллективи иштирокида кўриб чиқилди. Муҳокамада «Коммунизм учун» газетаси шаънига айтилган танқидий фикрлар тўғри эканлиги таъкидланди. Редакция коллективи кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирларни ишлаб чиқди. Ҳозир газета саҳифаларида маҳаллий ҳаёт кенг ёритилмоқда.



«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида 11 та роботлаштирилган технологик комплекслар ва линиялар ишлаб турипти. Ушбу суратда корхона цехларининг бирида фойдаланилаётган шундай комплексни кўриб турибсиз.

К. Тарусов ва Р. Шагаев фотоси.

(ЎзТАГ).

ДЕҲҚОН ҲИКМАТИ

(ЛАВҲА)

БРИГАДА даласини ҳайдов тракторлари тарк этганига мана бир ойдан ошди. Эл-юртга тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмони ҳадя этган она замин бугун енгил нафас оляпти. Ҳадемай қор кўрпасига бурканиб ширин уйқуга кетади.

Мухтор Жумағулов учун бу ерлар жуда қадрдон бўлиб қолган. Тонг билан далаларни бир айланмаса, янги режаларни мана шу замин билан тиллашмаса кўнгли жойига тушмайди.

«Деҳқон бутун обрў-эътиборини мана шу ердан топади. Замин билан тиллашган деҳқоннинг хирмони ҳамиша юксалаверади». Бу сўзларни Мухторга устози, моҳир пахтакор Анорбой Ўжапов тез-тез таъкидлаб турарди. Мана, у, пахта етиштириб, кам бўлаётгани йўқ. Аввалига ҳисобчилик қилди, икки йилдирки, бригадага бошчилик қиляпти. Йиллик план ва мажбуриятлар ортиғи билан бажарилмоқда. Кўпчиликнинг оғзига тушди. 1984 йилда колхоз комсомол-ёшлари уни ўзларига дарға этиб сайлашди.

Мухтор Жумағулов дала бошида туриб ана шуларни ўйлади. Ўйлади-ю, коллективнинг ишончини оқлаши учун ҳали кўп иш қилиш кераклигини ҳис қилди.

— Инсон ўз тақдирини ўзи яратади, деганлари жуда тўғри экан,— дейди Мухтор.— Дастлаб мактабни тугаллаган йилим тенгдошларим қатори олий ўқув юртига ҳужжатларимни топширдим. Лекин киролмадим. Мақсадимга 1982 йилда эришдим. Ҳозир Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг охирги курсида таҳсил оляпман. Бу даврда пахтакорлик касбининг машаққатини, завқини, шавқини озми-кўпми кўрдим.

Дарҳақиқат, Мухтор Жумағулов институтни сиртдан ўқиб тугатиш билан бригаликда яхшигина мутахассис ҳам бўлиб етишди. Назарий билимларини практикада дадил қўллади. Пахтачиликнинг сирларини қунт билан ўрганди. Деҳқончиликка астойдил меҳр қўйди. Унинг таъбири билан айтганда эндигина она заминдан тиш ёриб чиққан сарғимтир барг чиқарган ниҳолнинг, авжи ёз палласида пушти бўлиб очилган ғўза гулининг, олтин кузги бирин-кетин тиш ёриб, тонг мисоли оқарган далаларнинг қадрига фақатгина пахта ўстирган одам етади. Балки у етакчилик қилаётган бригада муваффақиятининг асл замини шундадир.

— Албатта, муваффақиятга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун йил — ўн икки ой бирдек меҳнат қилиб, қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиш керак бўлади,— дейди Мухтор.— Баъзан бир йили сенга ютуқ келтирган нав келгуси йили панд бериши мумкин. Ёки бир йили мўл ҳосил олган далангдан келгусида ҳеч нарса ололмаслигинг ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун деҳқон доимо изланиши, илғор тажрибаларни, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга дадил жорий этиши лозим. Ана шундагина ютуқларга-ютуқлар қўшилаверади.

Мухтор Жумағулов сўзи билан иши бир деҳқонлардан. Колхоздаги деярли барча янгиликлар шу бригада даласидан бошланади. 1985 йилда ҳам Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозида биринчи бўлиб у бошлиқ бригада пахтанинг «АН-Боёвут-2» навини экишга қарор қилди. Бригада бошлиғи бу фикрни колхоз правлениесига айтганда, «э, шошма, йигит, синалмаган отнинг сиртидан ўтма дейишади, тағин кўзда аттанг деб қолмагин», деганлар ҳам бўлди. Лекин у ишга астойдил киришди. Бу нав пахтани ўз тажрибасида синаб кўрган деҳқонлар, мутахассислар билан маслаҳатлашди. Экин майдонларини шунга мослаб ишлади.

Эрта баҳорда уч кундаёқ 70 гектар майдонга янги нав пахта чигити экилди. Баҳор ва ёз бўйи барча агротехника тадбирлари оби-тобида ўтказилди. Бутун диққат-эътибор ғўзаларни машинабоп қилиб ўстиришга қаратилди. Кўсаклар тўқ бўлиб етилди. Кузакда бирин-кетин тиш ёриб очилаётган лўппи пахталарни кўргач, дастлаб бу навга иккиланиб қараганлар ҳам Мухторни чин дилдан табриклашди. Чунки даладаги ҳосил план ва мажбуриятни бемалол бажариш мумкинлигидан дололат берарди.

— Биласизми, деҳқончиликда майда иш йўқ, ҳар бир тадбирни ернинг, экиннинг ҳолатига қараб бажариш керак,— дейди бригада бошлиғи.— Бунда техникадан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Агар ҳар бир машина-механизмни ишга тўла сафарбар этсангиз, қўл меҳнати камаяди. Пировард натижада пахтанинг таннархи арзонлашади. Даромад кўпаяди. Масалан, бизнинг бригадамизда битта механизатор меҳнат қилади. Амир ака Турсунбеков ўз касбининг ҳақиқий фидойиси. У барча ишларни бемалол улгуради. Бирон марта парваришни ё кечиктириб, ё барвақт ўтказган эмас. Асосий ҳосилни ҳам ўзи терди. Агрегати бункеридан 150 тоннадан ошириб пахта тўкди. Умуман, бригадамиз бўйича ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб «оқ олтин» йиғиштириб олдик. Энг муҳими асосий ҳосил юқори сортларга сотилди.

Бу бригадада комсомол-ёшлар меҳнат қилишади. Муваффақиятга коллективнинг Мамлакат Суярова, Зубайда Мамедова, Марифат Суярова сингари аъзолари катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 4—5 тоннадан пахта терди. Бригада деҳқонлари районда комсомол-ёшлар бригадалари ўртасида ташкил этилган мусобақада ғолиб чиқишди.

Мухтор Жумағулов бошчилигидаги комсомол-ёшлар айни кунларда ҳам тиним билишмаяпти. Сифатли ҳайдаб қўйилган дала бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш ва бошқа қишки ишлар юзасидан белгиланган тадбирлар уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Зеро, янги ҳосилнинг замини ҳозир яратилади. Бригада аъзоларининг режалари эса юксак. Улар бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 43 центнерга етказишмоқчи.

— Ўн иккинчи беш йилликда биз — пахтакорларнинг олдида юксак вазифалар турипти. Бутун диққат-эътиборни пахта ҳосилдорлигини ошириш билан бригаликда сифатини яхшилашга қаратишимиз керак. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида ҳам бу масала алоҳида таъкидланган,— дейди М. Жумағулов.— Биз бригадамизда партиянинг муҳим ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқдик. Ишимизни ана шу асосда ташкил этамиз. Она-Ватанга фақат мўл ва сифатли пахта етказиб берамиз.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

ЧОРВА ҚИШЛОВИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

ФОЙДАЛИ ТАРМОҚҚА АЙЛАНДИ

БУНДАН бир неча йил илгари Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхозида чорвачилик қолоқ тармоқ ҳисобланарди. Гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳамда давлатга сотиш планлари бажарилмасди. Колхоз правленнеси, партия, касаба союз ташкилотлари зарбдор тармоқни ривожлантириш учун бир қатор тадбирлар ишлаб чиқиб, уни изчил амалга ошира бошлади. Натижада чорвачиликдан кўрилаётган зарар камайди. 1984 йилга келиб, биринчи марта 76 минг сўм фойда олинди.

Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида эришилган натижалар янада салмоқли бўлди. Хўжалик чорвадорлари давлатга сут сотиш йиллик плашини районда биринчи бўлиб 1 декабрдаёқ бажариб қўйишди.

— Колхозимизда чорвачиликни ривожланиб бораётганлигининг биринчи омили моллар наслини яхшилаганлигимиздир,— дейди колхоз раиси А. Пратов.— Йилмайил фермамизда етиштирилаётган зотли бузоқлар ҳисобига жайдари сигирлар сони қисқартириб борилмоқда. Ҳозир сигирларнинг асосий қисми қора-ола зотлидир. Муваффақиятимизнинг иккинчи омили фермадаги эски биноларни реконструкция қилиб, молларни парвариш қилишни яхшилаганлигимиздир. Масалан, илгарилари сут-товар фермасининг олдида соғин сигирлар яйратиладиган жойлар йўқ эди. Шунингдек, молхоналарда сигирлар сақланадиган ерга пол қилинди. Бу уларнинг касалланишини кескин камайтирди.

Булардан ташқари колхозда чорвадор меҳнати қадр топа бошлади. Эндиликда зарбдор тармоқ ходимларининг меҳнат шароитини яхшилаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ферма яқинида чорвадорларга 6 та уй қуриб берилди. Яқин йилларда яна бешта уй фойдаланишга топширилади. Бу ишда қўнимсизликка барҳам берди. Чорвадорларнинг иш ҳақлари яхшиланди.

Колхозда қишлов муваффақиятли ўтяпти. Қорамоллар, айниқса, соғин сигирлар тўйимли рацион асосида парвариш қилинмоқда. Ҳозир ҳар бир сигирга кунига 13 озуқа бирлиги миқдорида емиш сарфланмоқда. Бу 10 килограмм сенаж, 20 килограмм силос, 2 килограммдан беда пичани, омухта ем ва аралаш озуқага тенгдир. Шуниси диққатга сазоворки, фермада қорамолларга берилаётган дағал хашаклар асосан озуқа цехида қайта ишланиб, сўнгра едирилмоқда. Колхоз ремонтчи слесарлари қишловдан олдин озуқа цехини ўзлари реконструкция қилишди. Бунинг самараси яхши бўляпти. Ҳозир кунига бу ерда уч-тўрт тоннадан аралашма тайёрланмоқда. Бу иш билан бор-йўғи икки киши шуғулланмоқда.

Колхоз сут-товар фермасида чорвадорлар ўртасида ташкил этилган мусобақага ҳар ўн беш кунда якун ясаб борилмоқда. Ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилмоқда. Сўнгги ўн беш кунлик якуни бўйича Т. Абдураҳмонова, У. Султонова, Ф. Маҳкамова сингари соғувчилар энг юқори натижага эришиб, мукофотни олишга сазовор бўлишди.

1986 йилда янада юқорироқ натижаларни қўлга киритишга аҳд қилган хўжалик чорвадорлари айни қишлов кунларида ҳам соғин сигирлар маҳсулдорлигининг ёздагидек юқори бўлишига эришиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Улар ўн иккинчи беш йилликда бу соҳани фақат фойда келтирадиган тармоққа айлантиришмоқчи.

А. ИБРОҲИМОВ.



Коммунистик районидаги «Правда» колхози чорвадорлари қишловни намунали ўтказиш учун курашмоқдалар. Айни кунларда фермада мавжуд 2230 бош қорамол боқилмоқда. Уларнинг маҳсулдорлигини ёздагидан камайтирмаслик учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Суратларда: (чапдан) сигирларга озуқа тарқатилмоқда. Илғор соғувчилардан Ф. Абдуқодирова, С. Раҳмоналиева, Ф. Шафиева, Р. Яппарова, З. Абдуқодирова ва З. Ҳолматовалар. Улар кунига ҳар бир сигирдан 10—11 килограммдан сут соғиб олишмоқда. (Ўнгда) илғор механизатор Қ. Пўлатов. У фермага ем-хашакларни ўз вақтида ташиб, етказиб бермоқда.

А. Зуфаров фотолари.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ МУҲОКАМА ҚИЛА БОШЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК. 14 январь. ТАСС мухбири В. Чернишев хабар беради: Ливан ҳукуматининг илтимосига биноан БМТ Хавфсизлик Кенгаши ишга араб мамлакатининг жанубида кескинлашган вазиятни муҳокама қила бошлади.

Исроиллик босқинчилар агрессияни кучайтирмоқдалар, Ливан жанубий районларининг аҳолисига қарши бебошлик ва репрессияларни авж олдирмоқдалар, бу районлар аҳолиси ҳар куни зўравонлик, ҳақорат, террорга дучор бўлиб, Исроил ўзбошимчалигининг асосий оғирлиги улар устига тушмоқда, деди Ливаннинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Р. Фахури. Исроил ҳар куни Ливаннинг осмон ва территориал сув чегараларини бузмоқда. Унинг сиёсати Яқин Шарқдаги вазиятни тинч йўл билан бартараф этиш ва уни барқарор қилиш борасидаги ҳамма кучғайратларни барбод этишга қаратилган бўлиб, ялпи тинчлик ва хавфсизликни хатарга солади. Р. Фахури Хавфсизлик Кенгашини Исроил агрессияси авж олдирилишининг пайини қирқиш борасида самарали чоралар кўришга, Ливан давлатининг суверенитети ва территориал бутунлигини тўла тиклашга даъват этди.

Ливия, Бирлашган Араб амирликлари, Қатар, Мадагаскар, Саудия Арабистони, Болгария ва бошқа мамлакатларнинг делегатлари Ливан мисоли Вашингтоннинг мадади билан араб давлатлари ва халқларига қарши Исроил ўтказаётган давлат терроризми сиёсатининг моҳиятини яққол кўрсатади, дедилар. Араблар Яқин Шарқдаги фожиа давом этаётганлиги учун, шу региондаги вазият янада кескинлашаётганлиги учун жавобгарликни Қўшма Штатлар зиммасига юкламай қололмайдилар, деди Сурия-нинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Д. Ал-Фатал. Яқин Шарқда Америка сиёсатининг мақсади араб мамлакатлари халқларини «тиз чўктиришдир». Айни шунинг учун ҳам АҚШ агрессия қилаётган Исроилни ҳар томонлама сўзсиз қўллаб-қувватлаб келмоқда. Исроил Американинг Яқин Шарқдаги зўравонлик сиёсатини ўтказиб келаётган мамлакатдир, деб таъкидлади у.

Ливан Исроилнинг протекторати бўлишдан бош тортиб, мустақил тараққиёт йўлини танлаб олганлиги империалистик кучларга ёқмаяпти, деди СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакилининг биринчи ёрдамчиси В. С. Сафрончук. АҚШ агрессив доиралари уларнинг измига бўйсунишдан бош тортаётган бошқа суверен давлатларга нисбатан, шу жумладан Никарагуа, Ливияга нисбатан ҳам худди шундай йўл ўтказмоқда. Биз мана шу ҳолларнинг ҳаммасида Вашингтон ўзининг зўравонлик сиёсатини оқлаш учун ихтиро этган «янги глобализм» назариясига амалга оширилаётганлигини кўрамиз. Совет Иттифоқида АҚШ мавжуд воқеликларни соғлом тушуниб етиб, бундай сиёсатни давом эттириш олиб келиши мумкин бўлган хатарли оқибатларни жиддий чамалаб, халқлар кутаётганидек, ўзини тийибгина қолмай, ҳаддидан ошган шериги-Исроилни ҳам жиловлаб қўйиши кутилмоқда, деб таъкидлади у.

Исроил Ливан территориясидан ўз қўшинларини ҳеч қандай шартсиз дарҳол халқаро миқёсда эътироф этилган чегараларга олиб чиқиб кетсин, деб талаб қилувчи резолюция лойиҳаси Хавфсизлик Кенгашининг кўриб чиқиши учун тақдим қилинди. Резолюция лойиҳасида босқинчиларнинг Ливан жанубидаги граждан аҳолига қарши репрессиялари халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларини бузиш, Ливанда тинчлик ва хавфсизликни тиклаш йўлига солинган ғов деб қораланган. Ҳужжатда Ливан давлатининг суверенитети, мустақиллиги, бирлиги ва территориал бутунлигини қатъий ҳурмат қилиш зарурлиги таъкидланади.

Аммо океан ортидаги ҳомийсига суянган Исроил халқаро ҳамжамият талабларига қулоқ солишдан қатъиян бош тортиб келаётир. Исроил вакили Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида сўзлаб, сурбетлик билан Тель-Авив «зарур деб ҳисоблаган ишларини қилаверади» деди.

ЭРОН—ИРОҚ МОЖАРОСИ

БАГДОД, 13 январь. (ТАСС). Ироқ авиацияси Форс кўрфазида Эроннинг Харж оролидаги нефть қуйиш иншоотларига яна ҳужум қилди, дейилади Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида. Майсан секторида Эрон бўлинмаларининг ҳужуми қайтарилди. Басрадан шарқроқдаги районда жанглар давом этди.

Эроннинг олисга отувчи артиллерияси Ал-Азаир ва Мандали шаҳарларини ўққа тутди.

НИКОСИЯ, 13 январь. (ТАСС). Эрондаги ИРНА агентлигининг хабар қилишича, Эрон—Ироқ фронтининг бутун чизиғи бўйлаб жанг ҳаракатлари давом этди. Жанубий участкада Ироқ танк бўлинмасининг Эрон армияси назорати остидаги районга суқилиб кириш йўлидаги уриниши барбод қилинди. Илам ва Касра-Ширин районларида артиллерия отишмалари бўлиб ўтди.

Ироқ артиллерияси Ободон шаҳрини ўққа тутди.

Агентликнинг яна хабар қилишича, Эрон ҳарбий денгиз кучларининг кемалари кеча Уммон кўрфазида Америкининг «Президент Тейлор» кемасини Ироқ учун юк ташишда гумонсираб, ушлаб қолди. Икки соатлик текширишдан кейин кемаининг бирлашган Араб Амирликлари портларидан бири сари ўз йўлида давом этишига рухсат берилди.

ВАШИНГТОН, 13 январь. (ТАСС). Қўшма Штатлар Америка кемаси биз оз ушлаб қолинганлиги билан боғлиқ бўлган воқеани кўпиртириб, ундан шу региондаги кескинликни баттар кучайтириш учун фойдаланмоқда. Бу воқеа «жиддий равишда кўриб чиқишга сазовор», деди Оқ уй вакили. Эй-би-си телевизион компаниясининг хабар қилишича, Пентагон Американинг Ҳинд океанида турган эскадрасидан икки ҳарбий кемага форс кўрфазига бориш ҳақида буйруқ берган.

ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ ҚИЛИШГА УРИНИШ

АДАН, 13 январь. (ТАСС). Адан радиоси бугун Яман социалистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг расмий сиёсий баёнотини эшиттирди.

Баёнотда 13 январь куни Яман Халқ Демократик республикасида Яман революциясига қарши қаратилган давлат тўнтариши ва Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари, Яман Халқ Демократик республикаси олий халқ кенгаши президиумининг раиси Али Носир Муҳаммад ҳаётига суиқасд қилишга уриниш бўлганлиги айтилади.

Сиёсий бюро аксилинқилобчиларга зарба бериш учун махсус комитет тузди. Комитет А. Антар, А. Ф. Исмоил, Ал-Байда ва А. Ш. Ходини ўлим жазосига ҳукм қилди. Ҳукм ижро этилди.

Фитнанинг бошқа қатнашчилари қамоққа олинди ва улар суд қилинади. А. Н. Муҳаммад бошлиқ сиёсий бюро халққа, армияга, хавфсизлик кучларига ва халқ милициясига мурожаат қилиб, уларни сергак бўлишга ҳамда реакция кирдикорларига зарба беришга даъват этди.

ҲИНДИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ МАЖЛИСИ

ДЕҲЛИ, 14 январь. (ТАСС). Ҳиндистон ҳукумати министрлар кабинети сиёсий ишлар комитетининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида Панжоб чегара штатида вужудга келган аҳволни бартараф этишга оид битимнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бу битимни ўтган йил ёзида бош министр Р. Ганди билан Акали дал партиясининг раиси Х. С. Лонговал имзолаган эдилар. Кейинчалик экстремистлар Х. С. Лонговални ёвузларча ўлдирганлар ПТИ агентлигининг хабар беришича, мажлис қатнашчилари махсус комиссия фаолиятини узайтириш имкониятини кўриб чиқдилар. Комиссия битимда кўзда тутилганидек, ҳозир Панжоб территориясида жойлашган ва аҳолиси кўпроқ ҳинди тилида гапирадиган қишлоқларни Харьяна штатига қўшиш, Чандигарх шаҳрини аксинча, Панжоб штатига бериш ҳусусидаги тавсияларни тайёрлаб бериши керак.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мажлис чет эллардан қўллаб-қувватланаётган ва Панжоб битимини бажаришни барбод этишга уринаётган яширин сикх экстремист гуруҳларнинг террорчилик фаолияти кучайган бир пайтда ўтган.

ИСПАНИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

МАДРИД, 13 январь. (ТАСС). Испания Компартияси мамлакатнинг НАТО блокидан чиқишини қатъиян ёқламоқда. Партия буни «мумкин ва зарур» қадам, деб ҳисоблайди. Испания Компартияси Марказий Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленумида маъқулланган ҳужжатда шу ҳақда гапирилади.

Испаниянинг НАТОдаги иштироки, дейилади ҳужжатда, мамлакатнинг уюшма ҳарбий структурасига жалб этилишига ва яқин вақт ичида миллий территорияда ядро қуроли жойлаштирилишига олиб келади. Испания Компартияси актив бетарафлик сиёсати ўтказилишини, миллий суверенитет ҳимоя қилинишини бунга қарама-қарши қўяди.

СССР БИЛАН МХР ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО ЁРДАМ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

Монголия Халқ Республикасининг халқ ҳокимияти йилларида эришган муваффақиятлари социалистик мамлакатлар, биринчи навбатда Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдами билан чамбарчас боғлиқ. Бу ерда СССР ёрдами билан кўпгина халқ хўжалик объектлари қурилаяпти. Совет мутахассислари монгол ҳамкасбларига бой тажрибаларини ўргатмоқдалар, юқори малакали миллий кадрлар тайёрлашда кўмаклашяптилар.

Суратда: МХР пойтахтидаги энг кўркам кўчаларидан бири — Ғалаба проспекти.

ТАСС фотохроникаси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● БАЙРУТ. Мамлакатнинг босиб олинган жанубида қуролли кураш олиб бораётган Ливан ватанпарварлари исроиллик босқинчиларга янги зарбалар бердилар. Улар Сужуд, Райҳон ва Арамти аҳоли пунктларининг атрофларида босқинчилар ва улар гумашталарининг позиция ҳамда постларига ҳужум қилдилар. Партизанларнинг ҳаракатлари натижасида исроиллик босқинчилар ва уларнинг малайлари аскар ва техникадан талафот кўрди.

● МАПУТУ. «Мозамбик миллий қаршилиги» деб аталмиш тўдага мансуб террорчилар ҳайдаб олиб кетган Софала вилоятининг 400 га яқин аҳолисини Мозамбик қуролли кучларининг бўлинмалари озод этди, деб хабар қилади «Доминго» газетаси. Нампула вилоятида бандитлар олиб кетган яна 130 граждан озодликка чиқарилди. Иқчи Жанубий Африка Республикаси ва Ғарб махсус хизматларининг мадади билан иш кўраётган қўғирчоқ режим отрядларига қарши жанговар ҳаракатлар чоғида 10 бандит қириб ташланди, кўпдан-кўп қурол-яроғ ва ҳарбий анжом ўлжа олинди.

(ТАСС, 14 январь).

ЯНГИ УСТАХОНА

◆ «КОММУНИЗМ» колхозининг Тақачи участкасида «Ташоблмебельбит» бирлашмасининг устахонаси очилди. Бу ерда район меҳнаткашлари фойдаланаётган ҳамда яроқсиз ҳолга келган мебеллар ремонтдан чиқарилмоқда. Усталар меҳнаткашлар хонадонларига ҳам ташриф буюришаётир.

Устахона тўла қувват билан ишга тушгач аҳоли буюртмасига асосан, эшик, дарвоза дераза ромлари ва бошқа дурадгорчилик маҳсулотлари тайёрлаш назарда тутилган.

Р. ЭСОНОВ.
Бекобод райони.

ҲАР ИШНИНГ ЎЗ ВАҚТИ БОР

ЕРНИ кузда чуқур шудгорлаб, ўғитга тўйдирган, яхшилаб текислаган деҳқоннинг эрта баҳорда иши осон кўчади. Коммунистик районидаги Карл Маркс номли колхознинг У. Алимбоев бошлиқ бригадаси деҳқонлари бу қоидага доимо амал қилиб келадилар. Шунинг учун ҳам ўтган йили экиш барвақт ўтказилди. Гектаралар тўла, ҳосил мўл бўлди, 35 центнердан хирмон кўтарилди.

— Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида 40 центнерлик маррани эгаллашни ният қилганмиз, — дейди бригадир Алимбоев. — Барча тайёргарлик ишлари ана шу мақсадга қаратилган. Ерлар ўз вақтида шудгорлаб қўйилди. Картограмма асосида ўғит солинди. Айни кунларда ариқ-зовурларни тозалаш ниҳоясига етказилмоқда. Мавжуд техника сифатли ремонт қилинди. Бу ишларни бажаришда Ж. Жунусалиев, А. Тошев, Ғ. Йўлдошев, Ж. Чинҳўжаев ўртоқлар, айниқса, фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Райондаги Охунбобоев номли совхоз меҳнаткашлари ҳам қишки тадбирларни белгиланган график бўйича ўтказиб, дала ишлари суръатини кун сайин кучайтирмоқдалар. Бу ишлар совхознинг С. Элибоев, С. Раҳматуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида, айниқса, қизғин бораётир.

З. ТОЖИБОЕВ.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ФИГУРАЛИ УЧИШ

НАФОСАТ МАКТАБИ

Республикамизда фигурали учиш спорти шакллана бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Марказий «Юбилей» спорт зали фойдаланишга топширилгач фигурали учиш тўгарагининг ташкил этилиши бу спорт турининг ихлосмандлари жонига оро кирди. Кўп ўтмай, катта яхмалак улар учун «торлик» қилиб қолди. Муз спорти саройи ёнгинасида алоҳида ўқув машғулотлари ўтказиш учун бино қуриб битказилди. Эндиликда бу ерда республикамизда ягона фигурали учиш бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия резерви спорт мактаби ишлаб турибди.

— Ўтган қисқа даврнинг ичида, — дейди мактаб катта тренери Евгений Рохин, — тренерларимиз, педагогларимиз катта ҳажмдаги ишларни бажардилар. Мактаб талабаларининг 16 нафари СССР спорт мастери, 50 дан эвёд фигурали учувчиларимиз СССР спорт мастерлигига номзод унвонига сазовор бўлганликлари бунинг исботлайди.

Айни пайтда мактаб педагогика коллективи ёш фигурали учувчиларни йирик мусобақаларда синаб кўриш, улар тажрибали спортчиларнинг чиқишларини, маҳоратларини ўз кўзлари билан кўришларини таъминлашни бош мақсадлари қилиб олганлар. Ана шу мақсадда 1985 йилда талабаларимиз қатор йирик мусобақаларда иштирок этдилар.

Йил якунларига кўра шартли равишда ўринлар тақсимлангудек бўлса, биз Москва, Ленинград, РСФСР, Украина терма командаларидан кейинги бешинчи ўринда турибмиз. Албатта, фигурали учиш спорти бир неча йил аввалроқ ривожланган бу республикаларга бир йўла тенглашиб олиш қийин. Лекин, шундай ниятларимиз ҳам йўқ эмас.

Турли тоифадаги турнирларда иштирок этиб ёш талантлар тажрибасини оширишдан кўзланган мақсад ҳам ана шу.

Мактабимизнинг ҳозирги энг қобилиятли, умидли спортчилари ҳақида нималар дейиш мумкин? 1985 йилда Иттифоқимизда илк бор ўсмирларнинг қишки ўйинлари ўтказилди. Ана шу турнирда СССР спорт мастерлари Ирина Шишова ҳамда Алексей Сулейманов-лар спорт жуфтлигида бронза совриндори бўлдилар. Бу икки фигурали учувчи 1982—1983 йилларда ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам иштирок этиш шарафига муяссар бўлган эдилар. Запорожье шаҳрида «Динамо» кўнгилли спорт жамиятлари ўсмир ва қизлари ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ III қишки спартакиадасида ҳам вакилларимиз муваффақиятли қатнашиб, совринли учинчи ўринни эгалладилар.

Яқинда «Юбилейний» спорт залида «Динамо» жамияти Ўзбекистон советининг очиқ чемпионати ўтказилди. Бу мусобақаларга Москва, Ленинград, Харьков шаҳарларидан тажрибали спортчиларни таклиф этдик. Бу эса турнирга янада кўтаринкилик киритди. Баҳслар ҳам кескинлашди. Ана шу чемпионатда И. Шишова ва А. Сулейманов-лар спорт жуфтлигида, Саодат Нўъмонова эса қизлар ўртасида фахрий шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Айни кунларда барча спортчиларимиз март ойида Красноярскда бўлиб ўтадиган СССР халқларининг VI қишки спартакиадасига тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар.

Фурсатдан фойдаланиб фигурали учиш мактабига кириш истагида бўлган спорт ихлосмандлари учун қулайлик яратилганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу ерда пулли фигурали учиш группалари ташкил этилди. Айни пайтда мавжуд 10 та группада 250 га яқин ўғил-қизлар ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Баҳорга бориб, конкурс ўтказилади. Одатда, ана шу группа аъзолари мактабга қабул қилинади. Фигурали учиш мактабига кириш истагида бўлган ўғил-қизларни ана шу группаларга таклиф этамиз.

А. ҲАКИМОВ.

СУРАТЛАРДА: (юқорида чапда) тренер О. Брусов шогирдлари даврасида; (ўнгда) мактабнинг етакчи спортчиларидан Ирина Шишова ва Алексей Сулейманов; (пастда) фигурали учиш мактабининг умумий кўриниши.

А. Зуфаров фотолари.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

ИККИ МЕДАЛЬ

ФРУНЗЕДА бокс бўйича Бутуниттифоқ ўсмирлар ўйинлари якунланди. Мусобақаларда спорт профилидаги мактаб-интернатлар, бокс бўйича олимпия резервлари мактабларининг талабалари ўзаро куч синашдилар. Ўйинларда 11 иттифоқдош республика, Москва ва Ленинград шаҳарларидан жами 123 боксчи иштирок этди. Республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилган Е. Хабибулин (Тошкент) 50 килограммгача бўлган вазнда биринчи бўлди. 63 килограммгача вазнлилар ўртасида эса А. Стоилов (Тошкент) иккинчи ўринни эгаллади.

СПАРТАКИАДА ҒОЛИБЛАРИ

ОЛМАЛИҚДА бир ҳафта давомида кўл тўпи бўйича Тошкент область спартакиадаси программаси асосидаги мусобақалар бўлиб ўтди. Уларда областимизнинг турли шаҳар ва районларининг 12 командаси қатнашди. Мусобақа якунига кўра 72 очко тўплаган Олмалиқ гандболчилари биринчи, Чирчиқ шаҳар командаси иккинчи ва Ўрта Чирчиқ райони спортчилари учинчи ўринларни эгалладилар.

Уч команданинг энг кучли спортчиларидан Ўзбекистон спартакиадасида область шарафини ҳимоя қиладиган терма команда тузилади. Бир ҳафтадан сўнг эса аёллар командалари ўртасида мусобақалар бошланади.

АЛЬПИНИЗМ

ХАЙР ТОҒЛАР, ХАЙР ЧЎҚҚИЛАР

1985 йил Ўзбекистон альпинистлари учун муваффақиятли бўлди. Улар эрта баҳордан тоғ чўққиларини забт этишга, ўрганилмаган чўққилар сари янги маршрутларни очишга киришган эдилар. Бу режаларни амалга оширишда Чимёндаги альпинистлар базасида ўтказилган йиғинлар, машғулотлар қўл келди.

Республикамизнинг таниқли альпинистларидан Вадим Элчибеков, Геннадий Чекановлар чўққи забткорлари билан биргаликда Чотқол-Чимён тоғларида узлуксиз забткорлик машқларини олиб бордилар. Улар ҳар қандай пурвиқор чўққиларни забт этишда катта тажрибага эга бўлсалар-да, лекин янги маршрутлар қутилмаган мураккабликлар, қийинчиликлар келтириб чиқаришини яхши билардилар. Шунинг учун ёшлар билан машғулотларни қизғин давом эттирдилар.

Ўзбек альпинистлари Болгария Халқ Республикаси Хасково округи спортчилари билан биргаликда амалга оширган забткорликлари тарихга кириб қолади. Хасково шаҳрининг минг йиллиги байрам қилинаётган бир пайтда биродарлашган Тошкент области спортчилари бу юбилейга ўз совғаларини ҳозирлашга қарор қилдилар. Хасковолик бир гуруҳ альпинистлар белгиланган маршрутда республика спортчилари билан биргаликда тоғ забткорлигида иштирок этажакларини маълум қилдилар. Шундан сўнг болгариялик ва ўзбекистонлик альпинистлардан учта группа тўпланди. Болгар спортчилари — Теменужка Михайлова, Добри Тополов, Заприян Таканов, Панойот Димитровлар Иван Ангов раҳбарлигида, республикамиз альпинистлари эса Анатолий Шанин бошчилигида Борис Краков, Фуат Тухфатулин, Володя Молодоженок, Константин Раҳматуллаев, Олег Коновалов ва Артем Франкенберг билан иккинчи группага бирлашдилар. Учинчи группага эса СССР спорт мастери Александр Путинцев бошчилик қилди. Улар ҳали забт этилмаган учта чўққига кўтарилишлари керак эди.

Маршрутнинг мураккаблиги ҳамда ўрганилмаганлиги ҳисобга олиниб, группага таниқли альпинистлар СССР-да хизмат кўрсатган спорт мастери Вадим Элчибеков ҳамда жаҳоннинг бир неча карра чемпиони бўлган Георгий Калининлар киритилдилар.

Бир кунда бошланган забткорликни биринчи бўлиб учинчи группа альпинистлари Помир-Олой тизма тоғларининг 4913 метрида жойлашган чўққисида якунладилар. Унга Тошкент область Искандар қишлоғида вояга етган ҳамюртимиз СССР космонавт-учувчиси Владимир Жонибеков номи берилди.

Болгар-совет альпинистларидан иборат биринчи группа аъзолари 4260 метр баландликдаги чўққини ишғол қилиш билан маршрутни якунладилар. Унга «Хасково» номи берилди. Иккинчи группа спортчилари эса 4255 метр баландликдаги чўққига кўтарилиб, унга «Биродарлашган» деб ном бердилар.

1985 йилда альпинистлар амалга оширган ибратли ишлардан яна бири қиш мавсумида бажарилган забткорликдир.

Тошкент область «Буревестник» область Советининг инструктор методисти Ия Алексеевна Попова беш альпинистни Чимён тоғларининг энг тикка ва мураккаб шимоли-шарқий довони оша забткорлик қилишга тайёрлай бошлади. Бу вазифанинг қийда бажарилиши унинг мураккаблик категориясини янада оширарди. Шунинг учун ҳам альпинистлар бу забткорликка ҳозирликни анча барвақт бошлаб юборадилар.

Ёз ойларидаёқ кўтарилиш маршрути ўрганиб чиқилди. Ҳар эҳтимолга қарши зарур бўлса ишлатиладиган 150 та саклагич тиргаклари йирик тошларга мустаҳкамланди. Ниҳоят қиш ҳам етиб келди. Тошлардан оша музликларга ўтиб, совуқ ва қорни енгиб, катта Чимён чўққиси томон йўл олинди. Кўп ўтмай 3320 метр баландликдаги чўққида группа раҳбари Софья Тухватулина, Анатолий Котельников, Артем Франкенберг, Вячеслав Шаповалов, Григорий Юдинлар кўриндилар. Бу забткорлик альпинистларимиз учун янги мавсумдаги йирик Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларга тайёргарликнинг бир босқичи бўлса-да, айрим спортчилар учун дастлабки имтиҳон эди. Жумладан, ғазалкентлик Анатолий Котельников «4Б» мураккаблик категориясидаги чўққига дастлабки бор кўтарилиши эди. Шунинг учун ҳам бу маршрутдан сўнг унга СССР спорт мастери унвони берилди.

Шу кунларда республикамизда янги чўққиларни забт этган болгар спортчилари ўзларининг энг масъулиятли мусобақаларига ҳозирлик кўраётирлар. Улар Ўзбекистонда ўз кучларини синаб кўраётганларида ҳам 1986 йилнинг дастлабки ойларида жаҳоннинг энг баланд чўққиларидан бири бўлган Химолай тоғ тизмаларидаги Аннапурна чўққисини забт этиш истагида эканликларини маълум қилган эдилар. Бу чўққи денгиз сатҳидан 8091 метр баландликда жойлашган. Ана шу мақсадда қардош республика альпинистлари Боян Атанасов ва Иван Вилчевлар раҳбарлигида уч йил давомида тайёргарлик ишларини олиб бордилар. Республикамиздаги забткорликлар эса улар учун тайёргарликнинг сўнгги босқичи бўлди.

Ўзбекистонлик альпинистлар Ўш — Даравудқўрғон — Помир — Олой массивидаги Мозорсой яссилигида ўтказилган мусобақалар билан ўз мавсумларини якунладилар. Республикамиз спортчилари Қирғизистон, Тожикистон, Россия федерацияси альпинистларини ортда қолдириб 6297 метр баландликда жойлашган Олтинмозор чўққисини забт этдилар ва биринчи ўринни эгалладилар. Бу ғалабада моҳир альпинистлардан Вадим Элчибеков (раҳбар тренер), Анатолий Лябин, С. Сергеев, Ю. Спицин сингари вакилларимиз муносиб ҳиссаларини киритдилар.

Шундай қилиб, қишки чўққиларни забт этиш мавсуми тугаши билан альпинистларимиз 1986 йил баҳоригача тоғлар билан хайрлашдилар. Ўйлаймизки, 1986 йил мавсуми улар учун янада ғалабаларга бой бўлади.

К. МУСАМУРОДОВ,
Чимён—Тошкент.

БУНГА АМАЛ ҚИЛИНГ

БОТУЛИЗМ — овқатдан заҳарланишга оид юқумли касаллик бўлиб, марказий асаб системасини оғир дардга чалинтиради. Озиқ-овқат маҳсулотлари — помидор, бодринг, ўрик, шафтолилардан уйда тайёрланган, лекин бузилиб қолган консерваларни истеъмол қилиш натижасида вужудга келадиган бу хасталик инсон ҳаёти учун жуда хавфли ҳисобланади. Чунки ботулотоксин қонга тез сўрилади ва ички аъзоларга ўтади. Қон томирларига кучли таъсир қилиб, уларни кескин торайтиради. Ботулизмни қайси турдаги қўзғатувчи пайдо қилганига қарамай, унинг клиник манзараси бир хил бўлади. Касаллик ботулизм микроблари организмга тушгандан кейин 2—3 соат ичида, баъзан бир суткадан кейин, камдан кам ҳолларда 12—14 соатдан сўнг бошланади. Беморнинг тўши ости оғрийди, қайт қилади, боши қаттиқ зирқирайди, оғзи, томоғи қурийди, кўзи хиралашиб, ҳар бир нарса иккитадан бўлиб кўринади. Баъзан ғилай бўлиб қолади. У ютинишга ва гапиришга қийналади. Овози бўғилиб, сўзларига тушуниб бўлмайди, димоғи битади.

Ошқозон ва ичак фаолиятининг бузилиши сезилиши биланоқ бундай беморни дарҳол касалхонага ётқизиш зарур. Акс ҳолда унинг аҳволи оғирлашиши мумкин, бемор қанчалик эрта даволана бошласа шунчалик тез соғаяди.

Ботулизм ва умуман ҳар қандай заҳарланишнинг олдини олиш учун, аввало, консервалар тайёрлаш ва уни сақлашнинг санитария талаб-

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

ларига ва шахсий гигиена қоидаларига пухта амал қилиш шарт.

Уй шароитида консерва тайёрлашнинг кўпайиб кетиши ботулизм касаллигининг сезиларли даражада ўсишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан консервалаш қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур. Уйда консервалар тайёрланганда нуқсонга йўл қўйиб бўлмайди. Масалан, сабзавот ва меваларни консервалашдан олдин эриниб, яхши тозаламаслик, етарлича стерилизация қилмаслик натижасида масалликқа тушган споралар тирик қолади. Яхшилаб ёпилган банкалар ичидаги кислородсиз муҳит спораларнинг кўпайишига ва токсин ажратишига қулай шароит яратади.

Кўпинча ботулизмни янги балиқ эмас, балки тузланган балиқ келтириб чиқаради. Чунки янги балиқ қайнатиб ёки қовуриб ейилади. Тузланган балиқ эса хомлигича тановул қилинади. Агар балиқда тузланмасдан олдин заҳар пайдо бўлган бўлса, у жуда шўр қилинганда ҳам йўқолмайди. Айрим шахслар ўзлари тутган балиқни ейишлари натижасида ҳам ботулизмга йўлиқадилар.

Балиқ, гўшт маҳсулотларини тайёрлашда ниҳоятда озодаликка қатъий риоя қилиш лозим. Янги тутилган балиқни тупроқ билан ифлослантирмасдан, иссиқда қолдирмасдан, ичагини бутун ҳолда олиб ташлаб, холодильникда сақлаш керак. Агар тайёрланган консервалар бўлса, улар уй шароитида эмас балки холодильникларда сақланиши лозим. Қопқоғи кўтарилиб қолган консерваларни эса савдо тармоқларида сотувга чиқариш ҳам мумкин эмас.

Ш. БЕКМИРЗАЕВ,
область санитария маорифи уйининг врачи.

ҲАВАСКОРЛАР ИШЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Шаҳримиздаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғида бу ижодий коллективнинг концертлари тез-тез бўлиб туради. Дам олувчиларга намунали маданий хизмат кўрсатиб келаётган ана шу духовой оркестр репертуарида ранг-баранг номерлар бор.

Шаҳар маданият бошқармасининг мазкур оркестри боғ қўйнида ўз фаолиятини бошлаганига ўн йил бўлди. Ўшанда унга собиқ жангчи Л. А. Ройтблат бадиий раҳбар этиб тайинланган эди. Турли касб эгаларидан ташкил топган истеъдодли чолғучиларни ўз атрофига бирлаштирган духовой оркестр концертларида қатор таниқли санъаткорлар ҳам қатнашиб келмоқдалар. Шу ўринда республикада хизмат кўрсатган артист Т. Шарипов, Н. Шебалиналарнинг коллектив билан яқин ҳамкорлигини айтиб ўтиш мумкин.

Коллектив классик композиторлар ижодига ҳам мурожаат қилиб, улар асосида концерт программаларини тузди. Глинканинг «Иван Сусанин» операси, Чайковскийнинг «Оққуш кўли» балети ва шу каби бошқа саҳна асарларидан олинган парчалар оркестр ижросида лирик ва жозибали янграйди. Шунингдек, Штраус, Кальман сингари композиторларнинг шўхчан музикалари ҳам тингловчиларга тақдим этилмоқда.

Оркестр ўз концертларини шаҳримиздаги саноат корхоналарида ҳам намойиш қилаётир.

А. АЛИЕВ.

КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетининг залида «Съезддан съездгача» деб номланган тематик китоблар кўргазмаси очилди.

Кўргазмадан республикамиз нашриётларида ўн биринчи беш йиллик мобайнида чиқарилган 500 дан ортиқ турли мавзудаги китоблар, жумладан, «Ўзбекистон», Ғафур Ғулом номидаги, «Ёш гвардия», «Фан», «Ўқитувчи» нашриётлари томонидан чоп этилган марксизм-ленинизм асосчилари асарлари, бадиий ҳамда болалар адабиёти, илмий-техника тараққиёти ва мактаб ислоҳотига оид китоблар ўрин олган.

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

«ОТЕЛЛО»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик опера ва балет Катта театрида бундан 35 йил муқаддам «Отелло» операси илк бор намойиш қилинган эди. Ижодий коллектив В. Шекспир фожиаси асосида композитор Ж. Верди ёзган саҳна асарини ўз томошабинларига қайтадан тақдим этди.

Мазкур операни театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза мукофотининг лауреати Ф. Сафаров саҳналаштирди. Спектаклга СССР халқ артисти, Ҳамза мукофотининг лауреати Д. Абдураҳмонова дирижёрлик қилмоқда.

Операдаги бош қаҳрамон — Отелло ролини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Л. Пинхасов, Дездемона партиясини Ш. Тўхтабоева ва Т. Ефимова, Яго ролини В. Браун ва Т. Ҳусанов, қолган ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Бозоров, артистлардан М. Хуррамов, Ю. Лихопут ва бошқа санъаткорлар ижро этмоқдалар.

Р. ҒАНИЕВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

18, 19 январда

РСФСРда хизмат кўрсатган артист
ВАЛЕНТИН ИВАНОВ
РАҲБАРЛИГИДАГИ
УРГАТИЛГАН МАЙМУНЛАР
АТТРАКЦИОНИНИНГ

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

Томошалар: 18 январда—16.00, 19.00 да;
19 январда—13.00, 16.00 да бошланади.
Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди, танаффус — 14 дан 15.00 гача.
Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.
Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04. 45-37-27).

СОЧ ИНСОН ҲУСНИ

ТАРКИБИДА ФЕНХЕЛ МОЙИ ҚУШИЛГАН «ВЕРБЕНА» ПАСТАСИ БИЛАН ЮВИНСАНГИЗ СОЧИНГИЗ ЯРҚИРАЙДИ, ТЕРИНГИЗ СИЛЛИҚ ВА МАЙИН ТОРТАДИ.

«ВЕРБЕНА» ПАСТАСИ

СОЧНИ ЮВИШ ВА ВАННА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ИШЛАТИЛАДИ.

ВНИИХИМПРОЕКТ.

ГУЛЛИ ГИЛАМ ЖОЗИБАСИ

Ургут, Шофиркон, Шаҳрисабз, Хиванинг қўли гул усталари қўлда ва машинада табиий жун, жун аралашган ва синтетик толадан тўқиган мўйли гиламлар ва полослар

УНИВЕРСАЛ ВА МЕБЕЛЬ МАГАЗИНЛАРИДА КЕНГ ҚУЛАМДА СОТИЛМОҚДА.

«УЗМЕСТПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 76-47-11).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ I

9.00 «Время». 9.45 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.15 «Олис осмон». Бадиий фильм (Югославия). 11.20 «Ўсимликлар дунёси». 12.05 «Фақат мюзик-холлда». Телевизион бадиий фильм. 13.10 «Мени шамолдек учир, қиш». ГСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Рюмина куйлайди. 13.40 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Совет киноси учун». Ҳужжатли фильмлар: «Инсон ва савдо» («Киевнаучфильм»), «Ўзбекистон чинниси» (Тошкент), «Қўли гул кишилар» (Новосибирск). 16.10 «Экран дўстларни чорлайди». «СССРнинг Хакасия автоном области — Монголиянинг Жанубий Гоби аймоғи — биродарлашганлар».

16.55 «Иши қоникарсиз деб топилсин». Полтава область Козельшчин район партия ташкилотининг иши ҳақида. 17.30 Тўпли хоккей бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. СССР — Швеция терма командалари. 18.15 «Ҳаётимиз программаси». КПСС Марказий Комитетининг съездолди ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қиламиз. 18.30 «Бобомнинг сурнайчаси». Мультипликацион фильм премьераси. 18.40 «Дунё ва ёшлар». 19.15 «Дунё воқеалари. 19.30 Ҳужжатли фильм («Экран»). 19.40 Баскетбол. Кубок эгаларининг кубоги. Эркаклар. МАСК — «Хувентуд» (Испания). Испаниядан олиб кўрсатилади. 20.20 «Иван Бабушкин». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Свердловск киностудияси). 21.30 «Время». 22.05 «Иван Бабушкин». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 Арманистон Давлат халқ қўшиқлари ансамблининг концерти. Ереванда олиб кўрсатилади.

ЎзТВ 1

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ёш сеҳргарлар». Чирчиқ шаҳар болалар цирк коллективининг чиқиши. 19.00 «1986 йил пахтаси». Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтидан репортаж. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Киносаёҳатчилар альманахи». 20.05 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ягона оилада». КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига бағишланган ҚҚАССР ҳамда республика областларининг телевизион фестивали. Бухоро область бадиий коллективларининг концерти.

ЎзТВ II

9.00—17.10 МТ II

Р. 09521. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64664. Б. 1522.